

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/12.2019. Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАВШАНОВ ЖАМШИД РАВШАНОВИЧ

**ЗАРБЛИ ВА УЗЛУКЛИ КЕСИШ ШАРОИТЛАРИДА МЕТАЛЛ
КЕСУВЧИ АСБОБНИНГ СТРУКТУРАВИЙ
МОСЛАНУВЧАНЛИГИНИНГ КЕЧИШИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.02.05 – Механик ва физик-техник ишлов бериш технологиялари ва жараёнлари.
Дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническом наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Равшанов Жамшид Равшанович

Зарбли ва узлукли кесиш шароитларида металл кесувчи асбобнинг структуравий
мосланувчанлигининг кечишини тадқиқ қилиш..... 3

Равшанов Жамшид Равшанович

Исследование протекания структурной приспособляемости металлорежущего
инструмента при ударных и прерывистых условиях резания. 19

Ravshanov Jamshid Ravshanovich

Investigation of the structural adaptability of a metal-cutting tool under impact and interrupted
cutting conditions..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/12.2019. Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАВШАНОВ ЖАМШИД РАВШАНОВИЧ

**ЗАРБЛИ ВА УЗЛУКЛИ КЕСИШ ШАРОИТЛАРИДА МЕТАЛЛ
КЕСУВЧИ АСБОБНИНГ СТРУКТУРАВИЙ
МОСЛАНУВЧАНЛИГИНИНГ КЕЧИШНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.02.05 – Механик ва физик-техник ишлов бериш технологиялари ва жараёнлари.
Дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/T2391 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мардонов Бахтиёр Тешаевич
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Файзиматов Шухрат Нуманович
техника фанлари доктори, профессор

Умаров Толиб Умарович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «14» июль соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 246-46-00/ 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№261 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00.)

Диссертация автореферати 2022 йил «01» июль куни тарқатилди.
(2022 йил «01» июль даги №144 рақамли реестр баённомаси).

К.А. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Н.Д. Тураходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

А.А. Мухитдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияга автореферат)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Жаҳонда машинасозлик ишлаб чиқаришининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш муаммосига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ишончли технологик асбоб-ускуналар, шу жумладан, кесувчи асбобларнинг ейилишбардошлилигини таъминлаш орқали механик ишлов бериш унумдорлигини ошириш, шу билан бир қаторда металл кесувчи асбоблар ёрдамида механик ишлов бериш жараёнида замонавий автоматлаштирилган дастгоҳлар тизимлари ва комплексларидан фойдаланишни ташкил этиш белгиланган. Бу борада дунёнинг қатор мамлакатларида, жумладан, саноати ривожланган АҚШ, Англия, Германия, Франция, Италия, Япония, Россия, Украина ва Хитой давлатларида автоматлаштирилган дастгоҳларда қўлланиладиган металл кесувчи асбобларнинг ишчи юзаларида структуравий мослашувчанлик жараёнларининг кечишини ўрганиш асосида уларнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда кесувчи асбобнинг турғунлиги ва ишончилигини ошириш бўйича кенг қўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, МДХ давлатларида, Россия, Беларус, Украина ва Ўзбекистонда ишлов бериш самарадорлигини ошириш учун тишли ва шлицали сиртларга ишлов берувчи кесувчи асбобларни олдиндан мослаштириш технологик жараёнини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, зарбли ва узлукли кесиш шароитида ишлайдиган кесувчи асбобнинг ишчи юзаларида иккиламчи контакт структуралари шаклланишини таъминлайдиган оптимал кесиш режимларини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш зарур вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, металл кесувчи асбобларнинг сифатини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш»¹ бўйича муҳим вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, зарбли ва узлукли кесиш шароитларида металл кесувчи асбобнинг иш унумдорлигини ошириш ва уларнинг хизмат муддатини ошириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ивожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II-«Энергетика, энергия-ресурс тежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналишлари талабларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ушбу муаммо бўйича АҚШ, Япония, Хитой, Корея, Россия, Чехия, Украина ва бошқа хорижий давлатларнинг илмий муассасалари томонидан олинган илмий натижалари ҳамда узоқ хориж давлатларининг очик умумлаштирилган ютуқларидан фойдаланилмоқда. Дунёда кесувчи асбобнинг чидамлилиги ва ишончилигини ошириш учун уларни олдиндан мослаштириш бўйича А.С. Верещака, А.Ю. Картамышев, А.Ю. Ишлинский, А.В. Чичинадзе, Б.Я. Мокрицкий, В.В. Высоккий, Д.Н. Браун, Д. Тейбор, Д.Н. Гаркунов, М.П. Пагин, Н.М. Михин, С.Н. Григорьев, Фу Сундиюн, W. Konig, Fritz Klocke, O. Rashwan, Y. T. Cheng, Y.B. Guo каби жаҳон олимлари томонидан салмоқли натижаларга эришилди.

Кесувчи асбобнинг чидамлилиги ва ишончилигини ошириш учун уларни олдиндан мослаштиришга бағишланган, Ўзбекистоннинг таниқли олимларининг илмий ишларини келтириб ўтиш мумкин. Булардан: А.А. Мухаммедов, А.И. Иргашев, Б.Т. Мардонов, В.А. Ким, Д.Е. Аликулов, К. Икрамов, М.А. Левитин, М.А. Джураев, О.А. Мухаммедов, Ф.Я Якубов, Ш.А.Каримов. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида кесиш жараёнининг самарадорлигини ошириш ва олдиндан мослаштириш жараёнини амалиётда қўллаш масалаларини ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, кўриб чиқилаётган жараёнлар бўйича жуда кўп маълумотлар тўпланган, аммо мураккаб, зарбли ва узлукли кесиш шароитида структуравий мослашувчанликнинг кечиши ва уларнинг металл кесувчи асбоблар триботехник хусусиятларига таъсири масалаларини ечиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Навоий давлат кончилиқ институтида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига ва № БВ-Атех-2018-374 “Ўзбекистон Республикаси шароитида тишли ғилдираклар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш” (2018-2020) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади зарбли ва узлукли кесиш шароитида ишлайдиган металл кесувчи асбобларининг турғунлиги ва ишончилигини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

тиш кесувчи асбобларнинг ишчи юзаларида иккиламчи контакт структураларнинг шаклланишини таъминловчи механик ишлов беришнинг самарали кесиш режимларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш;

зарбли ва узлукли кесиш шароитларида қўлланиладиган турли кесувчи асбобларни олдиндан мослаштиришнинг самарали режимларини аниқлаш;

кесиш жараёнида асбобнинг контакт юзаларида диссипатив тузилмаларнинг микроструктуравий ривожланиш механизмини тадқиқ қилиш;

зарбли ва узлукли кесиш шароитларида ишлайдиган турли кесувчи асбобларни олдиндан мослаштириш режимларини оптималлаштириш методологиясини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;

илмий тадқиқот натижаларини “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг, “Навоий машинасозлик заводи” ИЧБ да жорий этишни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳар хил шароитларда ишлайдиган тишли ва шлицали сиртларга ишлов берувчи кесувчи асбоб олинган.

Тадқиқотнинг предметини зарбли ва узлукли кесиш шароитида ишлайдиган кесувчи асбобнинг олдиндан мослаштирилишини оптималлаштириш жараёни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тажрибалар, завод шароитида НМЗ ИЧБ дастгоҳсозлик цехида тишли ва шлицали юзаларга ишлов берувчи асбобларни олдиндан мослаштириш бўйича ўтказилди. Олинган натижаларни қайта ишлаш универсал ўлчаш машинаси “Оптон”, кинемотомер, нормолимер, биениемер ва бошқа воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган. Назарий изланишлар кесиш назарияси, машинасозлик технологияси, кесувчи асбобларни лойиҳалаш назарияси, тишли ва шлицали сиртларга ишлов берувчи кесувчи асбобларни олдиндан мослаштириш назариясига каби усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

тишли ғилдиракларга ишлов беришда, иккиламчи контакт структураларининг шаклланиш жараёнига таъсири асосида тиш кесувчи асбобнинг ишчи юзаларини мустаҳкамлаш усули ишлаб чиқилган;

ўрнатилган қонуниятга мувофиқ тиш кесувчи асбобнинг ишчи юзасида иккиламчи контакт структураларни шакллантириш ва кесиш пайтида асбобнинг ишчи юзаси мустаҳкамлигини ошириш жараёни тадқиқ қилинган;

тишларга ишлов берувчи асбоб ишчи юзасининг ейилишга чидамлилигини олдиндан мослаштириш орқали ошириш механизми ишлаб чиқилган;

олдиндан мослаштирилган кесувчи асбобларни эксплуатация қилишда юқори самарадорликни таъминловчи кесиш режимларини танлашнинг назарий асослари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тиш кесувчи асбобнинг ишчи юзаларида иккиламчи контакт структуралари шаклланишини таъминлайдиган оптимал кесиш режимларини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

ҳар хил шароитларда ишлайдиган турли кесувчи асбобларни олдиндан мослаштиришнинг оптимал режимлари аниқланган;

кесиш жараёнида асбобнинг контакт юзаларида диссипатив тузилмаларнинг микроструктуравий ривожланиш механизми яратилган;

кесувчи асбобларни олдиндан мослаштириш бўйича ишлаб чиқилган усул ва технологиялар Навоий кон-металлургия комбинати НМЗ ИЧБ да қўллаш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги экспериментал тадқиқотлар давомида олинган маълумотлар ва кесувчи асбобни олдиндан мослаштириш технологиясини завод шароитларида қўллаш билан тасдиқланади, бу эса зарбли ва узлукли кесиш шароитида контактли ўзаро таъсири натижасида кесувчи асбоб триботехник хусусиятларининг яхшиланишини, шунингдек, металл кесувчи асбобнинг ишчи юзаларидаги иккиламчи структураларининг мослашувчанлигини кўрсатди. Тадқиқотнинг назарий ҳисоб-китоблари ва хулосаларнинг асосланганлиги олинган экспериментлар натижалари билан, уларнинг умумий эътироф этилган илмий ғояларга, шунингдек, тишларга ва шлицаларга ишлов бериш қонуниятларига мувофиқлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тишли ва шлицали сиртларга ишлов бериш учун кесувчи асбобларнинг чидамлилиги ва ишончлилиги ортишини таъминловчи, олдиндан мослаштириш технологик жараёни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кесиш тезлигининг ортишига имкон берувчи кесувчи асбобнинг ишчи юзаларида, оширилган триботехник хоссага эга иккиламчи контакт структураларининг шаклланишини таъминловчи, оптимал кесиш режимлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарбли ва узлукли кесиш шароитларида металл кесувчи асбобнинг структуравий мосланувчанлигининг кечишини тадқиқ қилишда олинган илмий натижалар асосида:

кесувчи асбобнинг ишчи сиртларида оширилган триботехник хусусиятларга эга контакт структураларни ҳосил қилишни таъминловчи кесилишнинг оптимал режимларини аниқлаш методикаси «НКМК» ДК НМЗ ИЧБда жорий қилинди («НГМК» давлат корхонасининг 2021 йил 29 сентябрдаги 02-06-07/9520-сон маълумотномаси). Натижада маълум кесиш режимларида кесиш тезлигини 9-11% га ошириш имконини берган;

ҳар-хил шароитларда қўлланиладиган, фасонли, тиш қирқувчи ва шлица ҳосил қилувчи кесувчи асбобларини олдиндан мослаштириш режимлари «НКМК» ДК НМЗ ИЧБ да жорий қилинди («НГМК» давлат корхонасининг

2021 йил 29 сентябрдаги 02-06-07/9520-сон маълумотномаси). Натижада кесувчи асбобнинг хизмат қилиш муддатини 10-12% га ошириш имконини берган;

кесувчи асбобнинг олдиндан мослаштириш режимларини оптималлаштириш методикаси «НКМК» ДК НМЗ ИЧБда жорий қилинди («НГМК» давлат корхонасининг 2021 йил 29 сентябрдаги 02-06-07 / 9520-сон маълумотномаси). Натижада ресурсларнинг солиштирма сарфини 7-10% га қисқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан 4 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган, шу жумладан, 1 та республика ва 3 та чет эл журналларида нашр этилган, 1 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган ҳамда унинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган. Тадқиқот объекти, предмети тавсифланган ҳамда республикада илм-фан ва технологияларни ривожлантириш бўйича устувор йўналишларга мослиги аниқланган. Ишнинг илмий янгилиги ва тадқиқотларнинг амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, ишнинг апробацияси натижалари, нашр этилган илмий ишлар, диссертация таркиби ҳамда тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тишларга ишлов бериш аниқлигини оширишнинг асосий йўналишлари**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг ҳолати ўрганилган. Синергетика ёки ўз-ўзини ташкил этиш жараёни ривожланишининг асосий йўналишларини белгиловчи, физик қурилмаларнинг янги авлодини яратишга тўртки берувчи, юқори концентрацияли энергия манбаларининг реакциялари кечишида турли материаллардаги таркибий ўзгаришлар характерини ва келажак технологияларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратувчи омиллар назарияси ўрганилди. Металларни кесиб ишлов бериш ва ишқаланиш жараёнида структуравий мослашувчанлик ҳамда диссипатив структураларнинг ривожланиши, асосан, сезиларли даражада пластик деформация ва деформациялаб мустаҳкамлигини ошириш жараёнлари билан бошланади, шунинг учун бу жараённинг асосий механизмлари кўриб чиқилади. Узоқ вақт давомида мустаҳкамлик ва пластиклик физикаси индивидуал дислокациялар физикаси сифатида ривожланиб келган.

Адабиётлар таҳлили ва патент қидируви натижалари шуни кўрсатдики, иккиламчи структуранинг хусусиятлари турли хил контакт зоналарида, ҳам иссиқликбардошлилик, ҳам мустаҳкамлик даражасининг ошишига қараб фарқланади. Юқори кучланиш ва юқори ҳарорат мавжуд бўлган контакт зоналарида, иссиқлик барқарорлиги устун бўлган структура ривожланиши мумкин, паст ҳароратли контакт зоналарида эса худди шундай мустаҳкамланган структуранинг ривожланиши кузатилиши мумкин, лекин у ҳолда иссиқлик қаршилиги паст бўлиш эҳтимоли мавжуд.

Диссертациянинг «Тадқиқот методологиясининг умумий саволлари» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқариш тадқиқотлари, шунингдек, лаборатория шароитида асбобнинг олдиндан мослаштирилиши усуллари таҳлили келтирилган.

Олдиндан мослаштириш, асбобнинг чидамлилиги ва ишончилигини ошириш усули сифатида, катта моддий ва техник харажатлар билан боғлиқ бўлган қимматбаҳо асбоб-ускунага нисбатан қўлланилганда иқтисодий жиҳатдан оқланади. Бундай асбобларга тиш-кесувчи, шлицали юзаларга ишлов берувчи асбоблар ва бошқалар киради. Турғунликни тадқиқ қилиш учун лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида тажрибалар ўтказилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга асбобнинг ишончилигини ўрганиш фақат ишлаб чиқариш шароитидагина амалга оширилди. Асосий бир қатор тажрибалар Навоий машинасозлик заводининг цех шароитида червякли фрезалар ёрдамида тишли ва шлицали юзаларни фрезалаш орқали амалга оширилди. Тиш-кесувчи асбобнинг самарадорлиги, унинг режали деталларга ишлов бериш жараёнида, кесувчи тишнинг орқа юзасида вужудга келган ейилиш характери билан баҳоланди. Ишлов берилувчи материал сифатида, асосан, пўлат 45, 40Х, 30ХГТ ва 30ХГСА русумли конструкцион пўлатлардан тайёрланган хомашёлар ишлатилган.

Тиш фрезаловчи асбобнинг самарадорлигини ўрганиш учун ўтказилган синовлар, афсуски, олдиндан мослаштириш жараёнида ишчи юзаларда иккиламчи контакт структурани шакллантириш механизмини тўлиқ очиб беришга имкон бермайди. Шу сабабли тадқиқотлар асбобнинг иш бажариш жараёнида ишчи юзаларининг мустаҳкамлиги ошиши хусусиятини аниқлаш учун лаборатория модель тажрибалари ўтказилиши назарда тутилди.


Шундай қилиб, асбобнинг олдиндан мослаштириш асосий қонуниятлари, конструкцион пўлат 45; 40Х; 30ХГСА; материалларига, тезкесар пўлат Р6М5; Р6М5Ф; Р9К5 ва Р18 материалларидан тайёрланган кескичлар ёрдамида кесиб ишлов бериш натижасида ўрганилди. Бундай кўп турдаги ишлов бериладиган ва асбобсозлик материалларни танлаш, уларнинг аксарият ҳолларда тиш фрезалаш операцияларида қўлланилиши билан оқланади.

Қаттиқликни ошириш ва иккиламчи структураларни ҳосил қилиш механизми, асосан, жараённинг иссиқлик хусусиятлари билан белгиланади, шунинг учун бу ишда кесиш ҳамда контактли ўзаро таъсири билан бирга келадиган иссиқлик физикаси (теплофизик) ҳодисаларини таҳлил қилишга жиддий эътибор берилган. Иссиқлик физикаси тадқиқотлари лаборатория шароитида олиб борилди, бу эса кесиш ҳароратини ўлчаш, жараённинг

энергетик нисбатларини ҳисоблаш ва массалар фарқларини қайд қилиб боришни кўзда тутди.

Натижаларни таҳлил қилиш жараёнида тадқиқот методологиясига оид аниқ саволлар шакллантирилади.

Диссертациянинг **“Кесиш жараёнида иккиламчи контакт структураларни ҳосил қилиш жараёнининг асосий қонуниятлари”** номли учинчи бобида кесувчи асбобнинг структуравий мослашувчанлигида деформацион-термик жараёнларнинг роли келтирилган. Тадқиқотлар ишлаб чиқаришда амалда қўлланиладиган хомашёлардан фойдаланган ҳолда “Навоий машинасозлик заводи” ИЧБ (НМЗ ИЧБ) (Ўзбекистон) шароитида ҳақиқий намуналар асосида ўтказилди. Асбобнинг ишчи юзаларида иккиламчи структуралар шаклланишининг фундаментал қонуниятлари кўринишларидан бири ўз-ўзини ташкил қилишдир. Ўз-ўзини ташкил қилиш ёки структуравий мослашишнинг оптимал варианты - бу мустаҳкамлик хусусиятларига эга бўлган иккиламчи контакт структураларини шакллантириш жараёни. Мавжуд ва кенг қўлланиладиган механик синов усулларида бири бу "қия шлиф" намуналарда микроқаттиқликни ўлчаш бўлиб, бу структуравий мослашувчанлик мавжудлигини ишончли тасдиқлайди ва мустаҳкамлик даражасини ҳамда қатламда пайдо бўлаётган ўзгаришлар чуқурлигини тахминий баҳолашга имкон беради. Мустаҳкамлаш миқдори ва қатламда пайдо бўлаётган ўзгаришлар чуқурлиги, кесиш ҳолати элементлари, худди шундай алоқа жараёнининг характери орқали белгиланиши мумкин. Асбобнинг ўзаро алоқадаги (контакт) қатламларида силлиқлаш (1-эгри) ва турли кесиш ҳолатларида қисқа муддатли кесишдан кейин (2 ва 3 эгри чизиқлар) олинган дастлабки микроқаттиқлик тақсимооти 1-расмда кўрсатилган.



1.-расм. 40X пўлатни йўнишда P6M5 дан тайёрланган кескичларнинг контакт қатламида микроқаттиқликнинг тақсимланиши (S=0,2 мм/айл; t=0,5 мм)

1. -асл ҳолатда (қаттиқлашгандан кейин);

2. –кесиш тезлиги V=0,583 м/с. Бўлганда, 10 дақиқали йўнишдан сўнг;

3. -кесиш тезлиги V=0,833 м/с. Бўлганда, 10 дақиқали йўнишдан сўнг

Мослаштириш жараёнида дастлабки структуранинг ўзгариши мустаҳкамлаш ва юмшатишнинг динамик мувозанати шароитида содир бўлади. Ейилиш интенсивлигини қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқланади:


$$J = \frac{dh}{dt} \approx \frac{\Delta h}{\Delta t} \quad (1)$$

бу ерда, Δh - маълум вақт Δt оралиғида барқарор ҳолатдаги жараён зонасида асбобнинг орқа томонидаги ейилиш фаскаси қийматининг ўсиши.

Мазкур тадқиқотлар жараёнида 12ХГСА пўлатдан бўлган $m=6,0$ мм модулли тишли ғилдиракларга Р5М5Ф тезкесар пўлатдан тайёрланган червякли фреза ёрдамида ишлов бериш жараёнида ўтказилди. 2-расмда ўз мазмунига кўра ишлов бериш жараёнида олинган хулосаларга мос келувчи, ўтказилган синовларнинг умумлаштирилган натижалари тақдим этилган. Синовлар “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси цехи шароитида ўтказилди.


Асбобнинг турғунлиги ишлов берилган шестернялар сони бўйича баҳоланади, қайсики, улар қуйидаги параметрларга эга: тишлар сони $z=72$; модул $m=6$ мм; гардиш кенглиги $B=40$ мм. Кесиш ҳолати элементлари тишларни ярим тоза фрезалаш шартларига мос келди ва улар қуйидагига эга: $V=42$ м/мин; $S_0=2,01$ мм/айл; $t=12$ мм. Олдиндан мослаштириш тезлиги этиб $V_m=28$ м/мин деб қабул қилинди.

Турли хил тиш кесиш режимларида қўлланилган тиш кесувчи каллак ва червякли фрезаларни олдиндан мослаштириш тезлигининг таъсирини акс эттирувчи экспериментал натижалар 3 ва 4-расмларда келтирилган.




2-расм. 12ХГСА пўлатдан тайёрланган тишли ғилдираклар тишларини $V=42,5$ м/мин; $S_0=0,2$ мм/об; $t=10$ мм; $m=6$ мм. режимларда кесишда, Р6М5Ф9 ($m=10$ мм) материалдан бўлган червякли фрезанинг ейилиши.

1 – анъанавий червякли фреза; 2 – TiN қопламали фреза; 3 – $V=28$ м/мин. да мослаштирилган фреза. 4 – TiN қопламали фреза $V=28$ м/мин. да мослаштирилган;



3-расм. 40X пўлатдан тайёрланган цилиндрсимон тишли ғилдираклар тишларини кесишда Р6М5 ($m=10$ мм) материалдан бўлган червякли фрезани мослаштириш тезлигининг таъсири
1 – ананавий; 2 – $V=32$ м/мин. да мослаштирилган; 3 – $V=42,5$ м/мин. да мослаштирилган.



4-расм. 30ХГСА пўлатдан бўлган конуссимон тишли ғилдиракларни кесишда тиш кесиш каллагининг (Р6М5Ф) мослаштириш тезлигининг турғунликка таъсири.
1 – $V=29$ м/мин; 2 – $V=34$ м/мин; 3 – $V=42$ м/мин; 4 – $V=52$ м/мин.


Асбобни мослаштириш ҳам турғунликни, ҳам ишончилиликни ва унинг барқарорлигини оширади, бу эса турғунликни тақсимлаш эҳтимоли, ишлов беришнинг ишончилиги ҳамда турғунликнинг дисперс диапазони каби

параметрларда намоён бўлади. Червякли фрезаларнинг мослашуви унинг радиал тепишини 1,6 мартага камайтиради, бу эса кесиш жараёнида қувват параметрларининг динамик ўзгаришларини камайтиради.

Диссертациянинг **"Кесувчи асбобнинг олдиндан мослаштирилиши ва эксплуатация қилинишини оптималлаштириш"** номли тўртинчи бобида ишлов берилаётган материалнинг қаттиқлигига олдиндан мослаштириш, оптимал тезлигига кўрсатувчи таъсири бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган. Асбобни олдиндан мослаштириш оптимал режимларнинг мавжудлиги назарий ва экспериментал жиҳатдан исботланган, аммо уларни тез ва ишончли аниқлаш бўйича савол очиклигича қолмоқда. Ейилишга бардошли ўзаро алоқадаги иккиламчи структураларни шакллантиришда деформациялаш натижасида қаттиқликни ошириш жараёнлари алоҳида ўрин эгаллашини ҳисобга олган ҳолда, олдиндан мослаштириш режимларини оптималлаштиришни деформацион-термик нуқтаи назардан ҳал қилиниши талаб этилади. Асбобни мослаштиришда деформациялаш натижасида қаттиқликни ошириш жараёнлари бир неча технологик омиллар фонида амалга оширилади, шунинг учун мослаштиришни оптималлаштириш муаммоларини ҳал қилишда муайян турдаги асбобнинг ишлаш жараёнидаги барча технологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.


Тадқиқотлар НМЗ ИЧБнинг цехларида Р6М5Ф материалдан тайёрланган $m=6,0$ мм модулли червякли фреза билан тишлар сони $z=38$, гардиш кенлиги $B=40$ мм бўлган тишли ғилдиракларга ишлов бериш асносида амалга оширилди. Кесиш жараёнига сульфозфрезол суюқлигини етказиб турилиши билан амалга оширилди. Олинган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, амалда тезликни ва суриш ҳаракатини пасайтириш орқали асбобни мослаштириш операциясини амалга оширишимиз мумкин, чунки ҳар иккала ҳолатда ҳам мослаштириш турғунликнинг максимал ўсишини таъминлайди. Шу билан бирга, мослаштиришнинг оптимал тезликларда амалга оширилишига қараганда, оптимал суриш ҳаракати тезлигида амалга оширилиши, турғунликни оширишда самаралироқ ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, биринчи ҳолатда турғунликнинг ўсиши 2,3 баробарга етди, иккинчисида эса атига 1,85 га. Асбобнинг ишлаш жараёнида суриш ва тезликлар қийматлари турғунлигининг ўсиш даражасига таъсири 5-расмда кўрсатилган.

Асбобнинг оптимал режимларида олдиндан мослаштирилиши мустаҳкамликни оширишнинг энг яхши деформацион-термик шароитларини таъминлайди, агарда, олдиндан мослаштириш мустаҳкамлиги юқори бўлган материалда амалга оширилса, бу жараён янада самаралироқ, яъни мустаҳкамлик кўшимча равишда амалга оширилиши мумкин. Ушбу ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида, ишлов берилаётган материалнинг мустаҳкамлиги иккиламчи ўзароалоқадаги структуранинг ейилиш бардошлилигига бўлган таъсирини аниқлаш учун махсус тадқиқотлар ўтказилди.




5-расм. Пўлат 40X материалига ишлов беришда P18 дан тайёрланган кесувчи асбобни ишлаш муддатига олдиндан мослаштириш режимларининг таъсири: 1 - кесиш тезлигини ўзгартирганда; 2 – суриш ҳаракати тезлигини ўзгартирганда.

Ушбу тадқиқотлар сериясининг натижалари 6-расмда келтирилган бўлиб, унда ишлов берилган материалнинг мустаҳкамлиги асбобнинг мустаҳкамлигига нисбати, мослаштириш жараёнидан сўнг анъанавий асбобга нисбатан, асбобсозлик материалининг турғунлиги ошиши даражасига кўрсатувчи таъсири келтирилган. Боғлиқлик монотон равишда ортиб боровчи характерга эга бўлиб, ишлов бериладиган материалнинг мустаҳкамлигининг ошиши билан асбоб ишчи юзаларининг мустаҳкамлиги оширилишига таъсири кучаяди, турғунликнинг ўсиш даражаси қиймати эса 4,5 ... 4,6 мартага етиши мумкин. Ушбу боғлиқликнинг характери яна бир бор, деформацияли жараёнларда ейилишга бардошли иккиламчи ўзаро алоқадаги структурани шакллантириш механизмида муҳим роль ўйнашини тасдиқлайди.



6-расм. Ишлов берилётган (H_n) ва асбобсозлик (H_s) материалларининг қаттиқликлари билан, олдиндан мослаштириш турғунлигининг оширилиши нисбатига бўлган таъсири.

Олдиндан мослаштириш, қаттиқлиги HRC 39 ... 40 ва HRC 36 ... 37 бўлган, термик ишлов бериш йўли билан мустаҳкамлиги оширилган 40X пўлатдан ясалган иккита материалда амалга оширилди. Биринчи ҳолда, мослаштириш тезлиги $V_m = 3$ м/мин, иккинчисида эса $V_m = 6$ м/мин. бўлган олдиндан мослаштириш вақти нолдан 6 минутгача ўзгариб борди. Олинган натижалар қуйидагиларни кўрсатди: HRC 39 ... 40 бўлган хомашёга ишлов берилганда, оптимал мослаштириш муддати 3 дақиқани, HRC 36 ... 37 билан материалга ишлов беришда 4 дақиқани ташкил этди, яъни ишлов бериладиган материал қаттиқлиги ошиши билан, максимал турғунликни таъминловчи мослаштириш муддати камайиб боради. Мослаштиришнинг давомийлигига қараб, ейилишлар жамланмаси эгри чизиғининг характери ҳам ўзгаради. Шундай қилиб, мослаштириш давомийлиги оптималдан камроқ бўлса, ҳалокатли ейилиш майдони ўтмаслашиш эгри чизиғида яхши кўринмайди, бу мослашиш вақти оптималга яқинлашганда йўқолади. Оптимал равишда мослаштириш асбобнинг барқарор ейилиши режимида қабул қилинган ўтмаслашиш мезонига қадар ишлашини таъминлайди. Мослаштириш муддати оптимал вақтдан ошиб кетганда, мослаштирилган ейилишнинг юқори қиймати туфайли асбобнинг турғунлиги камаяди. Оптимал мослаштириш режими $h_m = 0,2 \dots 0,25$ мм. оралиғида мослаштириш ейилишининг қийматига мос келади.




7-расм. 40X пўлатни (HRC 31 ... 32) йўнишда P6M5 дан тайёрланган кескичнинг ейилишига олдиндан мослаштириш давомийлигининг таъсири.

а) HRC 39 ... 40 га эга хомашёда олдиндан мослаштириш

б) HRC 36 ... 37 га эга хомашёда олдиндан мослаштириш

1 - олдиндан мослаштириш ўтказилмаган ҳолда; 2 - 2 дақиқа давомида олдиндан мослаштириш, 3 - 3 дақиқа давомида олдиндан мослаштириш; 4 - 4 дақиқа давомида олдиндан мослаштириш; 5 - 5 дақиқа давомида олдиндан мослаштириш; 6 - 6 дақиқа давомида олдиндан мослаштириш.

Пўлат 40X материалига ишлов беришда Р6М5 дан тайёрланган кесувчи асбобнинг ишлаш муддатига олдиндан мослаштириш даврининг давомийлиги таъсири бўйича тадқиқот натижалари, $V=70$ м/мин., $S=0,2$ мм/айл.; $t=0,5$ мм кесиш режимларида қаттиқликнинг HRC 31...32 бўлган ҳолати 7 ва 8-расмларда кўрсатилган.



8-расм. 40X пўлатни (HRC 31 ... 32) йўнишда Р6М5 дан тайёрланган кескичнинг турфунлигига олдиндан мослаштириш давомийлигининг таъсири: 1-олидиндан мослаштирилаётган пўлат қаттиқлиги HRC 36 ... 37; 2 - олидиндан мослаштирилаётган пўлат қаттиқлиги HRC 39... 40.

Мустаҳкамлаш - юмшатишнинг физик-механик табиатига асосланиб, асбобни олдиндан мослаштириш режимларини оптималлаштириш, ҳозирги вақтда иккиламчи конструкцияларни кесиш режимлари билан қаттиқлик ошиши параметрлари ўртасида қатъий ва тўғри функционал боғлиқликлар йўқлиги сабабли бир мунча қийинчилик туғдиради.

Агарда мослашувчи материал сифатида юқори қаттиқликка эга пўлатдан фойдаланилса, кесувчи асбобнинг олдиндан мослаштириш самарадорлигини янада яхшилаш мумкин. Кесиш жараёнида вужудга келувчи янада юқори контакт юкламалари, кўпроқ деформацион мустаҳкамлашни таъминлайди ва мослаштириш вақтини камайтиради.

ХУЛОСА

Диссертация иши юзасидан олиб борилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар шаклланди:

1. Кесувчи асбоб ишлашининг бошланғич даври асбобнинг дастлабки тузилишини ўзгартириш, унинг контактли ўзаро таъсир қилиш режимларига мослашиши билан тавсифланади. Асбобнинг юзаси ва фрикцион ишқаланишнинг ўзаро таъсирининг деформацион-иссиқлик шароитларига қараб, асбобнинг сирт қатламлари бўшатилиши ёки мустаҳкамланиши мумкин. Охириги ҳолат асбобни мослаштиришни амалга ошириш учун асосий ҳисобланиб, иш қобилиятини оширишнинг энг самарали ва мажбурий усулларида бири ҳисобланади.

2. Асбобни мослаштириш турфунлиқни, ишончилиқни ва унинг барқарорлигини оширади, бу эса турфунлиқни тақсимлаш эҳтимоли, ишлов

беришнинг ишончилиги ва турғунликнинг дисперс диапазони каби параметрларида намоён бўлади. Червякли фрезаларнинг мослашуви унинг радиал тепишини 1,6 мартагача камайтиради, бу эса кесиш жараёнида қувват параметрларининг динамик ўзгаришларини камайтиришга хизмат қилади.

3. Сиртнинг ишқаланиши ва емирилиши жараёнида диссипатив структуралар ишлашининг дислокация механизми аниқланди ва асбобнинг ишчи юзаларида иккиламчи структуралар дислокацияларининг зичлиги дастлабки ҳолатдан сезиларли даражада ошган кесиш режимларининг мавжудлиги экспериментал равишда кўрсатилган.

4. Юқори ҳароратли механотермик ишлов бериш жараёнида мустаҳкамлашган структураларнинг ривожланиши ва кесиш жараёнида иккиламчи структураларнинг пайдо бўлиши аналогиялари асосида, олдиндан мослаштирилган кесувчи асбобнинг критик ишлаш шароитлари аниқланган.

5. Кесувчи асбобни олдиндан мослаштириш самарадорлигини, мослаштирувчи материал сифатида, қаттиқлиги юқори бўлган пўлатдан фойдаланган ҳолда ошириш мумкин. Кесиш жараёнида вужудга келувчи янада юқори контакт юктамалари, юқори деформацион мустаҳкамлашни таъминлайди ва мослаштириш вақтини қисқартириш учун хизмат қилади.

6. Олдиндан мослаштириш, нафақат кесувчи асбоб ишчи юзаларининг ейилишга қаршилигини, балки контакт структураларининг ишончли иш унумдорлигини ва иссиқлик бардошлилигини ошириш имконини беради.

7. Олдиндан мослаштириш кесувчи асбобнинг иқтисодий жиҳатдан оқилона ишлаш режимлари технологик жиҳатдан асосланганларга нисбатан 15...20% га ошириш имконини беради. Олдиндан мослаштириш механик ишлов бериш жараёнининг маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/12.2019. Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

РАВШАНОВ ЖАМШИД РАВШАНОВИЧ

**ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОТЕКАНИЯ СТРУКТУРНОЙ
ПРИСПОСОБЛИВАЕМОСТИ МЕТАЛЛОРЕЖУЩЕГО
ИНСТРУМЕНТА ПРИ УДАРНЫХ И ПРЕРЫВИСТЫХ УСЛОВИЯХ
РЕЗАНИЯ**

**05.02.05 – Технологии и процессы механической и физико-технической обработки.
Станки и инструменты**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.3.PhD/T2391

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горно-технологическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net).

Научные руководители:

Мардонов Бахтиёр Тешаевич
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Файзиматов Шухрат Нуманович
доктор технических наук, профессор

Умаров Толиб Умарович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «14» июля 2022 года в 10-00 часов на заседании Научного совета № DSc.03/30.12.2019.T.03.04 по присвоению научной степени при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел./факс: (99871) 246-46-00/ 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Ознакомиться с диссертацией можно в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирован за №261). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 246-46-00.)

Автореферат диссертации разослан «01» июля 2022 года.
(протокол реестра №144 от «01» июля 2022 года).

К.А. Каримов
Председатель Научного совета по
присвоению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

Н.Д. Тураходжаев
Секретарь Научного совета по
присвоению учёных степеней,
доктор технических
наук, профессор

А.А. Мухитдинов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присвоению
учёных степеней, доктор технических
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире всё больше приобретает особое значение проблема обеспечения эффективности и конкурентоспособности машиностроительного производства в связи с широким применением высокопроизводительного оборудования и надёжного режущего инструмента. При этом широкое использование надежного технологического оборудования, а также, обеспечение износостойкости режущего инструмента является одной из важных задач. В то же время использование современных автоматизированных станочных систем с ЧПУ для создания станочных комплексов в процессе механической обработки с помощью не дорогих металлорежущих инструментов является важной задачей. В связи с этим в ряде стран мира, в том числе в таких промышленно развитых странах, как США, Великобритания, Германия, Франция, Италия, Япония, Россия, Украина и Китай, особое внимание уделяется повышению качества металлорежущих инструментов, используемых в автоматизированных станках, на основе изучения процесса протекания структурной приспособляемости на рабочих поверхностях инструментов.

На сегодняшний день в мире проводятся обширные исследования по повышению стойкости и надежности режущих инструментов. В связи с этим разработка технологического процесса предварительной приработки режущих инструментов для обработки зубчатых и шлицевых поверхностей имеет важное значение для повышения эффективности механической обработки в странах СНГ, России, Белоруссии, Украине и Узбекистане. Однако, необходимой задачей является разработка метода определения оптимальных режимов резания, обеспечивающие формирование вторичных контактных структур на рабочих поверхностях режущего инструмента, работающие в условиях ударного и прерывистого резания, что является **актуальной** задачей.

В Республике проводятся масштабные мероприятия по модернизации производства и повышению качества металлорежущего инструмента, достигаются определенные результаты. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы поставлены важные задачи, в том числе «увеличение промышленного производства в 1,4 раза путем продолжения промышленной политики, направленной на обеспечение устойчивости национальной экономики и увеличение доли промышленности в ВВП»¹. Выполнении этих задач, в том числе повысить эффективность металлорежущих инструментов работающие в условиях ударного и прерывистого резания и увеличить срок их службы имеют важную роль.

Представленное диссертационное исследование, в определенной мере, способствует выполнению задач, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», а также постановлениями

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

Президента Республики Узбекистан № ПП-4779 «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции, путем повышения энергоэффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов» от 10 июля 2020 года и № ПП-4422 «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии» от 22 августа 2019 года, в котором утверждены **долгосрочные целевые параметры развития ВИЭ и план организационно-практических мер** дальнейшего развития ВИЭ.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики Узбекистан. Данные исследования выполнены в соответствии с требованиями приоритетных направлений развития науки и технологий республики II – «Энергетика, энерго-ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение».

Степень изученности проблемы. В Узбекистане используются наработанные по этой проблематике достижения научных учреждений США, Англии, Японии, Китая, Кореи, России, Чехии, Украины и других зарубежных стран. Большой вклад в развитие износостойкости и надёжности режущих инструментов, а также в теорию обеспечения предварительной приработки режущего инструмента внесли зарубежные ученые А.С. Верещака, А.Ю. Картамышев, А.Ю. Ишлинский, А.В. Чичинадзе, Б.Я. Мокрицкий, В.В. Высоцкий Д.Н. Браун, Д. Тейбор, Д.Н. Гаркунов, М.П. Пагин, Н.М. Михин, С.Н. Григорьев, Фу Сундиюн, W. Konig, Fritz Klocke, O. Rashwan, Cheng Y. T.; Y.V. Guo.

В настоящее время накоплен огромный опыт по обеспечению предварительной приработки режущих инструментов для повышения их стойкости и надёжности, так же внесли свой вклад выдающиеся учёные Узбекистана, такие как: А.А. Мухаммедов, А.И. Иргашев, Б.Т. Мардонов, В.А. Ким, Д.Е. Аликулов, К. Икрамов, М.А. Левитин, М.А. Джураев, О.А. Мухаммедов, Ф.Я Якубов, Ш.А. Каримов, и многие другие.

